

Мавзу	Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун қўлланиладиган асбобсозлик материалларни ўрганиш
--------------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машигулот вақти - 2 соат</i>	Талабалар сони: 12 – 15 гача
<i>Машигулот шакли</i>	Лаборатория
<i>Лаборатория машигулоти режаси</i>	1. Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун ишлатиладиган материаллар тўғрисида умумий маълумот 2. Ишни бажариш тартиби
Ўқув машигулотининг мақсади: Лаборатория ишини ўрганиш жараёнида талабаларни асбобсозлик материалларидан: углеродли пўлатлар, металлокерамик каттиқ қотишмалар, абразив материаллар, сунъий ва табиий олмослар билан таништириш.	
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none"> • Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун ишлатиладиган материаллар тўғрисида умумий маълумот бериш. • Ишни бажариш тартиби билан таништириш. 	Ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none"> • Талабалар кесувчи асбоблар тайёрлаш учун ишлатиладиган материаллар тўғрисида умумий маълумотлар оладилар. • Ишни бажариш тартиби билан танишиб оладилар.
Таълим бериш усуллари	Лаборатория машғулоти, кўргазмали, “Инсерт” технологияси
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. “Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун қўлланиладиган асбобсозлик материалларни ўрганиш” лаборатория машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргарлик босқичи.	1.Фан бўйича ўқув мазмунларни тайёрлаш 2. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 3. Лаборатория машғулоти учун тақдимот слайдларини тайёрлаш. 4. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1 – босқич Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1 Лаборатория машғулоти мавзусининг номини айтади. (1-илова) 1.2. Лаборатория машғулотида фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар руйхати билан таништиради. (2-илова) 1.3. Лаборатория машғулотида баҳолаш мезони билан таништиради. (3-илова) 1.4. Лаборатория машғулоти режаси билан талабаларни таништиради.(4-илова)	Тинглайдилар, Ёзадилар.
2 – босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун ишлатиладиган материаллар тўғрисида слайдлар намойиши орқали умумий маълумотлар беради (5- илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.2. Ишни бажариш тартиби билан таништиради (6- илова)	Танишадилар, бажарадилар.
	2.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустақамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Инсерт” технологиясидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (7-илова)	Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар. Эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.
3 – босқич Якуний босқич (10 дақиқа)	4.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. Мустақил таълим учун кейинги лаборатория машғулоти мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	Тинглайдилар, саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.